

Илмга муҳаббати баланд эди



16:35 / 25 февраль 2018

Шайх Зокиржон Исмоилов – муфтий муовини (1989 – 1993), Шайх ҳазратларининг сафдоши хотираларидан

Дўстимиз Муҳаммад Содиқ билан илк бор, тахминан, 1969 йили, у киши Мир Араб мадрасасига ўқишга кирган йили кўришганмиз. Ўшанда мен мадрасанинг иккинчи босқичида таҳсил олардим. Камина бир куни иккинчи қаватда турганимда мадраса саҳнидан майда қадамлар билан юриб, нималарнидир пичирлаб келаётган хушбичим йигитга кўзим тушди. Ёнимиздаги талабалардан бири унинг Андижондан, Булоқбоши имомининг ўғли эканини айтди. Туғилган жойимиз бир экан-да дея, у билан танишиб олдик. Суҳбатимиз мобайнида мақсадларимиз муштараклиги боис гапимиз бир-бирига қовушиб, яқин бўлиб қолдик. Юртимизни узоқ вақт руслар истило қилиши ҳисобига халқимиз диний тарбиядан узоқлашиб қолганди. Ҳар иккимизнинг ҳам мақсадимиз пухта илм эгаллаб, уни инсонларга ўргатиш эди. Аллоҳнинг изни билан шундай ҳам бўлди.

Муҳаммад Содиқ илмга борини бағишлаган, қачон қараманг, қўлидан китоб тушмас эди. Дарслардан танаффус бўлган пайтларда толиби илмлардан айримлари ҳовуз бўйидаги шийпонда гаплашиб ўтиришар, баъзилар чанқоғини қондиргани ошхонга кетарди. У эса устунга суянганча, юпқа муқовали китобини бошқаларнинг назари тушмайдиган қилиб буклаб олганча, тез-тез ўқирди. Одатда, тинимсиз мутолаадан

китобхоннинг кўзи толиқиши ёки тоқати етмаслиги мумкин. Муҳаммад Содик эса ўзгалардан фарқли ўлароқ, машғулотидан завқ олар, китоблар оламига шўнғиб кетар эди. Дўстимга ҳавасим келар, шу билан бирга, унга эргашишга, ўхшашга ҳаракат қилардим.

Бир ҳодиса туфайли унинг диний китоблардан олдин жуда кўп бадиий китоблар ўқиганини ҳам билиб олгандим. Маъҳадда ўқиб юрганимизда Тошкентдан Андижонга самолёт орқали борадиган бўлдик. Ўтириб кетадиган жойларимиз олдинма-кейин бўлиб қолибди. Ҳар иккимизнинг ёнимизга университет талабалари ўтирди. Учоқда кетарканмиз, ҳамроҳим билан иккимиз ўртаимизда ким ўзарга бадиий адабиётга оид савол-жавоб бошланиб кетди. Музокара қизғин кетаётган бир палла эди, ҳамроҳим сўраган бир китобни ўқимаган эканман. У ўзини ёлиб ҳисоблаб, кулиб қўйди. Қай бир маънода, университет талабалари Олий Маъҳад талабаларидан китоб ўқишда устун бўлиб қолди. Шунда орқамда ўтирган Муҳаммад Содик елкамга қоқиб, ўринларимизни алмашишимизни сўради. Билдимки, менинг билмай қолганим унга ботди. Жойимга ўтириб олди-да, ҳамроҳимни бир қанча бадиий адабиётларни қиёсий таҳлил қилиб сўроққа тутта бошлади. Охирида зикр қилган икки-уч китобни университет талабаси ўқимаган экан, «Ҳали кўп ўқишингиз керак экан», деб қўйди ва туриб ўз жойига кетди. Ўшанда самолётдан хуш кайфиятда тушдик.

Ошнамнинг баҳс-мусобақаларда ҳозиржавоблиги ўзига ҳам, бошқаларга маълум эди. Унинг фикрлари теран, сўзини нимадан бошлаш, қайси мавзуга ўтиш кераклигини хаёлида режа қилиб, навбати билан ўрнида ифода қилар эди. Китобда ёзилганини худди ўзидек ёдлаб қолиш қобилияти бор эди. Бу фазилатдан кўпроқ араблар насибадор бўлганлар. Қоҳирадалиқ вақтимда бир куни газета ўқиётиб, Муҳаммад Ғаззолийнинг хотираси акс этган мақолага кўзим тушди. Унда Ғаззолий Ал-Азҳар университетини битиргач, қозиликка ариза топширгани ҳақида баён қилинганди. Имтиҳон топшираётган шайх саволга худди китобда ёзилгани каби - гаплар кетма-кетлигини ўз тартибда, шунингдек, нуқта-вергулларини ҳам ўрнига қўйиб жавоб берганини хотирлаган. Шундан сўнг уни қозиликка қабул қилишган экан. Муҳаммад Содик шундай инсон эди. Унинг бу қобилиятига ҳатто таниқли уламолар ҳам таҳсин айтишган экан. Буни унинг ўзи уйда суҳбатлашиб ўтирганимизда юзида табассум билан хотирлаб берганди. Кўнглига хуш келадиган воқеа бўлиб ўтса, кулиб эслайдиган одати бор эди унинг. Ливияда ўқиб юрган кезлари устози

Ислом оламида машхур олимлар йиғилишига уни ҳам олиб борибди. Тадбирда сўзга чиққан ошнам нутқини тамомлаши билан мажлис раҳбари «Сўзлаганларингнинг барини қоғозга қарамай айтдингми?» дея сўраб, офарин айтган экан.

Мадрасани тамомлагач ҳам, муфтий этиб сайланганида, Олий маъҳадда ишлаб юрган кезлари, ҳижратдан сўнг ҳам юртимизнинг диний эътиқодини оёққа турғизиб, инсонларни ҳалол-пок, бировнинг ҳаққини емайдиган, қилган ишига охиратда мукофот кутадиган, катталарни иззат-икром қиладиган, кичикларга меҳр-шафқат кўрсатадиган қилиб тарбиялашга уринарди. Унинг бу ишида биз кўмакчи эдик.

Эсимда, талабалик йилларимиз Муҳаммад Содикқа деб, миллари маълум вақтга келганда қаттиқ бонг урадиган соат сотиб олдим. Унинг қутисига «Бу орқали эрта турасиз. Модомики эрта турар экансиз, дуоингизда Зокирни ҳам эслаб қўйинг. Сизни «мужтаҳид» деб атадим. Иймоним комилки, ўта ғайратли талабалардан бири бўласиз» мазмунида арабча жумлалар ёзиб, унга ҳадя қилдим. Уйининг деворига осиб қўйган эди. Орадан йиллар ўтди, ҳижратдан қайтиб келганидан сўнг кимдир мен ёзган сўзлар ҳақида ҳазратга эътироз билдирибди. Яъни мазҳаббошилар замонидан кейин ижтиҳод тўхтатилганини айтибди. Шунда мириқиб кулган экан. Аммо Муҳаммад Содик чин маънода умрини халқ тарбияси, юрт ислоҳи учун сарфлади, 200 дан ортиқ китоблар, видео ва аудиодарсликлар яратиш учун ғайрат қилди. Аллоҳ ғариқи раҳмат қилсин.

Флюра Умурзоқова оққа кўчирди
«Ҳилол» журналининг 6(51) сонидан